



ХУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Қурбонов А.Б.- Иқтисодиёт ва педагогика университети
“Иқтисодиёт” кафедраси доценти.*

Аннотация: Мақолада кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ижтимоий – иқтисодий моҳияти аниқлаштирилган. Шунингдек, тадбиркорликнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти ва муаммолари аниқланиб, хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, агротадбиркорлик, мулчилик, фермер хўжаликлари, хусусий якка ва хусусий жамоа мулки.

Аннотация: В статье определяется социально-экономическое значение малого бизнеса и предпринимательства. Также были выявлены важность и проблемы предпринимательства в сельском хозяйстве и сделаны выводы.

Ключевые слова: предпринимательство, агропромышленный комплекс, собственность, крестьянские хозяйства, частная и частно-общинная собственность.

Annotation: The article defines the socio-economic significance of small business and entrepreneurship. The importance and problems of entrepreneurship in agriculture were also identified and conclusions were drawn.

Key words: entrepreneurship, agro-industrial complex, property, farms, private and private-communal property.

Ўзбекистон Республикасида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида унинг маҳсулотларини саноат асосида қайта ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорликнинг ривожланиши бозор ислохотларини амалга ошириш билан ҳамоханг ривожланмоқда.



Тадбиркорлик ҳар қайси мамлакатда ва унинг айрим ҳудудларидаги аниқ демографик ва иқтисодий ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ривожланади, тадбиркорлик йўналишининг ривожланиши эса аниқ ҳолатдаги иқтисодиётнинг амалий вазифалари билан боғлиқ бўлади.

Шу билан бирга, тан олиш керакки, тадбиркорлик муаммолари билан шуғулланувчи олимлар ва амалиётчилар ўртасида ушбу масалага ёндашишда турли қарашлар, унда маълум бир қарама-қаршиликлар мавжуд. Кўпчилик корхона раҳбарлари ва йирик акционерлик жамиятларининг менежерлари ўзларини тадбиркор деб ҳисоблайдилар, ваҳоланки, уларнинг фаолияти маълум даражада ишлаб чиқариш воситалари эгалари томонидан назорат қилинади. Кўпчилик, тадбиркорлик фаолияти тўлалигича кичик бизнес доирасида, ўз корхонасининг эгаси ва менежери бўлган тадбиркор томонидан амалга оширилади, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, «тадбиркор – бу ўз ишининг манфаати йўлида мустақил фаолият юритувчи бошқарувчи» [1] деган фикрлар ҳам мавжуд. «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунда тадбиркорликка қуйидагича таъриф берилган: «Тадбиркорлик – мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлик асосида, амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир».

Тадбиркорликнинг моҳиятини, унинг ҳаракат ва имкониятлари доирасини яхшироқ тушуниб олиш учун, унинг моҳияти ва иқтисодиётдаги ролига бўлган қарашлар тизими ривожини ташкилий, сиёсий – иқтисодий ва ижтимоий-психологик жиҳатлар нуқтаи – назаридан умумлашган ҳолда таҳлил қиламиз.

Ўзбек олимларидан А.Ўлмасов ва Н.Тўхлиевларнинг тадбиркорликни «даромад келтирадиган ёки наф берадиган хўжалик фаолияти (касб-кор, машғулот) соҳибкорлик - тижорат ишлари билан шуғулланиш, пул топиш мақсадида бирор иш билан банд бўлиш» [2], деб таърифлашган. Шундай қилиб, биз шундай фикрга келишимиз мумкинки, даромад топишга қаратилган



ҳар қандай фаолиятни ҳам бизнес тушунчаси билан ифодалаш мумкин эмас. Бизнес фойда олишга йўналтирилган фаолият бўлиб, мулкӣ масъулият ва жавобгарликка, иқтисодӣ таҳликага асосланади. Бу эса бизнес билан шуғулланувчи фаолиятда хонавайрон бўлиш, бозори касод бўлиш хавфи мавжудлигини, агар бу ҳол юз берса, у ҳолда мулкидан айрилиши мумкинлигини англатади. Шунинг учун, бизнес тушунчаси даромад, фойда, наф олиш мақсадида мулкӣ жавобгарликка, иқтисодӣ таҳликага асосланган фаолиятни англатади.

Тадбиркорликнинг иқтисодӣ моҳияти ва аҳамиятли жиҳатларидан бири унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг доимий равишда ўсиб боришидир. 1 - расмда келтирилган рақамларга эътиборни қаратадиган бўлсак, унинг улуши сўнгги ўн йилда Ўзбекистон республикасида 2000 йил 31 фоиз 2024 йилга келиб 54,2 фоизи ва иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 82 фоизидан кўпроғи уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ва иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг кичик тадбиркорлик субъектларидаги улушининг Республика ва вилоят кўрсаткичлари 1,5-2,0 фоизга фарқ қилган ҳолда ривожланмоқда.

Статистик кўрсаткичларига кўра ривожланган, иқтисодӣ барқарор мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий корхоналарнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг мамлакатлар ўртасидаги фарқи 5-10 фоизни ташкил қилиб, Ўзбекистонда эса ушбу кўрсаткич 15-17 фоиз фарқ қилишини кўришимиз мумкин. Республикада ҳамда вилоятлар бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ялпи ички маҳсулотдаги улушларининг тебраниш доираси паст эмас. Ўзбекистон республикасида ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши кам бўлса-да, аммо аҳолининг 55 фоизи қишлоқ жойларда яшайди. Шу боис қишлоқ хўжалиги соҳасида тадбиркорлик фаолияти мазмунини чўқурлаштириш ва такомиллаштириш зарур.



Ўзбекистон Республикасида 3260,7 минг гектар экин майдони мавжуд бўлиб, 2000 йилга нисбатан 10 фоизга камайган. Аммо қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2024 йилда 302524,9 миллиард сўмни ташкил қилиб, 2000 йилга нисбатан 218,1 пунктга ошган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 98,2 фоизни ташкил қилиб, унда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 299280,0 миллиард сўмни ташкил қилган. Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳар минг гектардан 92,8 миллиард сўмни ташкил қилиб, 2000 йилга нисбатан 252,2 пунктга ошган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошиб борётган бўлсада, мулкчилик шакллариинг ўзгариши қишлоқ аҳолисининг ишсизлик даражаси ошиб бормоқда. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик соҳаси мутахассисларида тадбиркорлик қобилиятининг шаклланмаганлиги оқибатида, бошқа тармоқлардан тадбиркорлар кириб келиши кучайди. Йиллар давомида ушбу соҳа мутахассисларининг камайиб бориши қишлоқ хўжалиги тадбиркорлигига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Агрросанаот мажмуи соҳаларидаги турли мулкчиликка асосланган тадбиркорлик субъектларининг бир-бирига боғлиқ ҳолдаги фаолияти аграр муносабатларни вужудга келтиради.

Аграр муносабатлар бу—қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш ва қишлоқ хўжалиги воситаларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган турли-туман субъектлар ўртасидаги муносабатлардир, [4]. Аграр соҳадаги барча иқтисодий субъектларнинг фаолияти агратадбиркорликнинг шаклланишига олиб келади, зеро агратадбиркорлик бошқа тармоқлардаги тадбиркорлик ҳаракатидан фарқ қилади. Чунки мазкур соҳанинг марказида ер муносабатлари билан боғлиқ ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ётади. Бу эса агросаноат мажмуида хусусий тадбиркорликни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини англатади.



Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин тадбиркорлик иқтисодий категория, бозор иқтисодиётининг муҳим элементи сифатида ўрта асрлардан бошлаб ҳозирги кунга қадар жамиятда ўз ўрнини эгаллаб келмоқда. Тадбиркорлик кишилар ҳаракати ва меҳнати орқали вужудга келса-да, у меҳнат ресурсларидан ажралиб алоҳида ишбилармон кишилар гуруҳини мужассамлаштирди. Ушбу гуруҳ кишилари тадбиркорликнинг ривожланиш жараёнида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уни ишлаб чиқариш ресурсларини билан таъминлаш, таваккалчилик асосида иш юритиш, фойда олишни таъминлаш, инновация янгиликларидан фойдаланиш хусусиятларни ўзлаштирди.

АДАБИЁТЛАР

1. Благова З.И. Предпринимательства в Российской экономике. – Санкт-Петербург.: Ун-та экономики и финансов, 1995.-102 с.
2. Асаул А. Н. / Организация предпринимательской деятельности: учебник для вузов. / А. Н. Асаул. – 4-е изд.– СПб.: Питер, 2013. – 352 с.: ил. ИСБН 978-5-496-00066-6
3. 2,Украинцева И. В. / Предпринимательская деятельность и ее особенности в сельском хозяйстве[Электронный ресурс] / И. В. Украинцева, А. И. Авдеева // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2017. – 100–103 с. – УРЛ: [хттп://е- концепт.ру/2017/770442.хтм](http://e-concept.ru/2017/770442.htm)
4. 3 Перспективы сельского хозяйства в России и в мире: основные направления [Электронный ресурс] // Журнал «Генеральный директор». – 02.06.2020. – УРЛ: [хттпс://www.гд.ру/артислес/9254-қққ-17-м6-02-06-2020-перспективй-селского-хозяйства](http://www.гд.ру/артислес/9254-қққ-17-м6-02-06-2020-перспективй-селского-хозяйства)
5. Мировая статистика онлайн [Электронный ресурс]/Wорлдометерс.– URL:<http://www.worldmeters.инфо> (Дата обращения: 06.11.2017)
6. Тўхлиев Н., Ўлмасов А. Ишбилармонлар луғати. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1993. - 314 б.



7. Владимир Рувинский. Почему малый бизнес не растёт

<https://www.vedomosti.ru/opinion/articles/2021/05/08/>

8. Хуррамов А.Ф., Маматов А.А. Қишлоқ хўжалигида мулкый муносабатлар ва уларни ривожлантириш йўналишлари. - Т.: Фан ва технология нашриёти, 2008. – 59 б.